

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 10-noyabr, seshanba, 129 (23.409)-son


**Кун ҳикмати**

Ёнингизда юрса-да, кўнгли бошқанинг мақсади ҳам бошқа бўлади

*Самарқанднинг бир куни*

## Ёшларни мардликка чорлаган фестиваль



Вилоят ҳокимлиги ва Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги ташаббуси билан Нуробод туманидаги “Сазағон” дала-ўқув майдонида “Мардлар қўриқлайди Ватанни!” шиори остида ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Унда шаҳар ва туманлардан келган ўқувчилар, талабалар кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Фестиваль “Она табиатни асраймиз!” шиори остида кўчат



экиш ишларидан бошланди.

Ҳарбийлар томонидан техника ва қуроллардан фойдаланган ҳолда кўргазмали жанговар машғулотлар, вилоят драма театри жамоасининг саҳна кўриниши намойиш этилди.

– Дала-ўқув полигонига биринчи бор келишим, – дейди Жомбой туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Шуҳрат Болтабоев. – Ҳарбийликка қизиқаман. Бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб, қизиқишим янада ортди. Ҳарбий самолётлар, дала шароитида овқатланиш жараёнларини кузатиб завқландик.

Фестиваль доирасида миллий кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, камондан ўқ отиш, қўл жанги, билак кучини синаш мусобақалари ташкил этилди. Чавандозларнинг улоқ-кўпкари мусобақаси фестивалга якун ясади.

**Бахтиёр РУСТАМОВ.**



## Тиббиёт ходимлари шарафланди



Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида тиббиёт ходимлари куни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги фидойи, фаол тиббиёт ходимлари иштирок этди. Бу йилнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, пандемия даврида фидойилик намунасини кўрсатиб, вазифасига бутун меҳри ва масъулияти билан ёндашган тиббиёт ходимларига вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг табригини ҳоким ўринбосари Х.Очилов ўқиб эшиттирди.

Самарқандда ҳам тиббиёт соҳаси бу йил доимий эътибордаги соҳа бўлди. Нафақат вирусга қарши курашишда, балки тизимнинг барча йўналишлари учун катта маблағ ажратилди. Маҳаллий бюджетдан соҳага 25 миллиард сўм сарфланди. Тез тиббий ёрдам автомашиналари сони 135 тадан 294 тага етказилди. Шу йилнинг ўзида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 2 та янги бўлим очилди. Каттақўрғон шаҳар шифохонасида 5 та гемодеализ ускунаси ўрнатилди.

Маросимда бир гуруҳ фидойи тиббиёт ходимлари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг анъанавий танловида энг яхшилар рағбатлантирилди. Хусусан, «Йилнинг энг яхши шифокори» номинациясига вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори Улуғбек Саломов сазовор бўлди.

«Йилнинг энг яхши тиббиёт муассасаси» номинацияси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига насиб этди.

Пойтахтдан ташриф буюрган ҳамда самарқандлик санъат усталари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**Ҳусан ЭЛТОЕВ олган суратлар.**

## Гепатология маркази очилади

6 ноябрь куни давлатимиз раҳбари бошчилигида тиббиёт соҳаси бўйича ўтказилган йиғилишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, касалликлар таркибига қараб, хусусий секторни жалб қилган ҳолда, даволаш муассасаларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланганди. Жумладан, Қорақалпоғистон ва Хоразмда – буйрак, Андижонда – кардиология, Бухоро ва Навоийда – ошқозон-ичак, Жиззах ва Сирдарёда – нафас йўллари, Қашқадарё ва Фарғонада – эндокрин, Самарқандда – гепатология, Наманган ва Сурхондарёда – асаб ва қон айланиши тизими, Тошкент вилоятида – офтальмология, Тошкент шаҳрида – онкология касалликлари бўйича илғор хорижий клиникалар филиалларини ташкил этиш белгиланди.

Гепатология жигардаги ўзгаришлар билан боғлиқ хасталикларни даволовчи соҳа ҳисобланади. Мазкур соҳада Самарқандда узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган мутахассислар кўп. Қолаверса, ҳар йили шу соҳани танлаб, клиник ординатурани ўтаётганлар сони турлича бўлиб, ўртача 2-3 нафар мутахассис тайёрланади. Билим олишнинг ушбу босқичида талабалар қарийб тўрт ой айнан жигар касалликлари бўйича дарс олади. Икки йилдирки вилоят юқумли касалликлар шифохонаси қошида гепатология маркази, фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказ аҳолининг эҳтиёжи, шунингдек, тегишли ҳукумат қарорлари асосида ташкил қилинган. Марказда нафақат самарқандлик, балки қўшни Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро вилоятларидан ҳам беморлар даволанмоқда. У ёки бу шифохонанинг савиясини аввало аҳолининг ўзи белгилайди. Асосий индикатор – аҳолининг ўзи. Қайси вилоятдаги шифохонага боришни уларнинг ўзи танлайди.

Бир пайтлар қатор диагностик таҳлиллар учун беморларни пойтахтга жўнатишга мажбур бўлардик. Ҳозирги кунда ушбу лаборатория таҳлилларининг 99 фоизи Самарқанднинг ўзида ҳам мавжуд. Фақат ушбу диагностик таҳлилларнинг барчаси марказда эмас, бир қисми хусусий клиникаларда амалга оширилади. Бу эса баъзи беморларнинг моддий имкониятларига тўғри келмайди. Самарқандда ушбу марказнинг такомиллаштирилишида лаборатория жиҳозларига ҳам эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу соҳада Самарқандда хорижий клиника филиали ташкил этилса, марказ мутахассислари билан у ерда тажриба алмашинув ҳам йўлга қўйилади, деган умиддамиз.

**Маҳбуба ЯРМУҲАММЕДОВА,**
**Самарқанд давлат тиббиёт институти юқумли касалликлар кафедраси доценти.**

## “Автомашинасиз 10 кун”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими Э.Турдимов шу номдаги акцияни ўтказишни таклиф қилди.

Унга кўра, **шу йилнинг 11 ноябридан 21 ноябригача** вилоятдаги давлат ташкилотлари, бошқарув органлари раҳбарлари ушбу акция орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича бошқаларга ибрат бўлиши айтилди. Яъни, мутасаддилар акция давомида ишга келиш ва уйга қайтишда хизмат машиналаридан фойдаланмайди.

Ноябрь ойи давомида маҳаллаларда шу ғоя остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилади. Вилоятимизда ҳам мазкур тадбирларда иштирок этадиган олимлар, актёрлар, хонандалар, шоир ва ёзувчилардан иборат гуруҳлари шакллантирилди.

## «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш»



Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида тарғибот гуруҳлари аъзолари учун махсус ўқув курси ташкил этилди. Ўқув давомида тарғибот тадбирларининг мақсади, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, халқимизга хос азалий қадриятларни аҳоли орасида тарғиб қилиш, бунда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг ёш тоифаси, оилалар таркибини инобатга олиш зарурлиги тўғрисида тушунча берилди.

- Бу галги тадбирлар ноанъанавий, ўзига хос тарзда ўтказилиши керак, - дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев. – Мақсад одамларни бир жойга тўплаб, маъруза ўқиб бериш эмас, аҳолининг, хусусан, карантин даврида тушкунликка тушган фуқароларимизнинг кайфиятини кўтариш, улар қалбида эртанги кунга ишонч уйғотиш. Асосийси, юртимизда бўлаётган ўзгаришларни одамларга содда тилда, оддий мисоллар билан тушунтириш талаб этилади.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

*Таҳлил, танқид*

## Нурободда таълим сифати

# НЕГА ПАСТ?

### Мактаблар эътибордан четда қолгани учунми ёки педагогларнинг етишмаётганиданми?

Бугун туманлар миқёсида битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи таҳлил қилинмоқда. Мактаблардаги шарт-шароитлар ўрганилиб, таълим сифатини ошириш чоралари кўриляпти. Таълим сифати паст бўлган туманлардан бири Нуробод туманидир. Тумандаги мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи 2018–2019 ўқув йилида 3,4 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 10,6 фоизга етди. Аммо бу рақам ҳам қувонарли эмас.

Яқинда вилоят ҳокими Э.Турдимов туманда бўлиб, мактабларнинг таълим сифатини ўрганди, педагоглар билан учрашиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Туман мактабларида таълим сифати нега пастлиги ва куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганиш мақсадида биз ҳам айрим мактаблар фаолияти билан танишдик. Келинг, аввал дашт ҳудудда жойлашган мактаблардаги шарт-шароит ҳақида тўхталсак.

Туман марказида жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактаби 536 ўринга мўлжалланган. Бола сони кўплиги боис бугун ушбу мактабда 1356 нафар ўқувчи ўқийди. Мактабда 101 нафар ўқитувчидан 16 нафари ўрта махсус маълумотли.

*2-саҳифа* »»





*Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақолалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз “Зарафшон”га обуна бўлинг!*

***Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.***




ОБУНА – 2021

«Zarafshon» – барчамизнинг севимли газетамиз!

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: 5502

Давлат фуқаролик хизматида давлат хизматчиларининг касбий компетентлиги ўз фаолиятларининг барча йўналишларида намоён бўлади.

# Давлат хизматчисининг компетентлиги нимада?

Шу сабабли, бугунги кунда давлат фуқаролик хизматида давлат хизматчиларининг касбий компетентлигини оширишнинг механизмларини шакллантириш лозим.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида **""Компетенция" (лот. compето – эришаяпман, муносибман, лойиқман)** – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба" дея қайд этилган.

**Компетентлик** – шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган билим, малака ва кўникмалари ҳамда шаклланган шахсий хислатларини меҳнат фаолиятида муваффақиятли қўллай олиш қобилиятидир. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматида компетентлик давлат хизматчиларининг ўз соҳасидаги билими, малакаси, кўникмаси ва унинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда уларнинг **"Ҳалоллик вакцинаси"** билан ҳимояланганлигига чамбарчас боғланиб кетади.



**Давлат фуқаролиги хизматчисининг касбий компетентлиги мураккаб жараёнларда ноаниқ вазифаларни бажаришда, бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;**

**кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда** (масалан, бугунги кунда раҳбарлар томонидан ташкил этилаётган сайёр қабуллардаги мурожаатлар билан ишлашда) яққол намоён бўлади.

**Касбий компетенцияга эга давлат хизматчиси нафақат малака ошириш курсларида малакасини оширади, балки ўз билимларини изчил бойитиб боради, янги ахборотларни ўзлаштиради, давр талабларини чуқур англайди, янги билимларни ўзлаштириш учун изланади, уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.**

Агар раҳбар кадрлар ўз устида мунтазам ишласа, тинмай ўқиб-ўрганиб, янги билимлар захирасини кашф қилса, натижа ҳам шунга мувофиқ бўлади.

**Давлат фуқаролик хизматида давлат хизматчилари қуйидагиларни уддалай олишлари лозим:**

профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириши, янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда янги ахборотларни олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш;

фаолиятидаги вазифаларни бажаришда виждонан ёндашиш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатлар, жумладан, ҳалоллик масаласи бош мезон бўлиб, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;

соғлом фикрлаш ва ўз нуқтаи назарига эга бўлиш, фидойилик, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиш;

ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиш;

аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятига эга бўлиш, жамоат жойларида ўзини муносиб тутиш, шахсий хулқ-атворини назорат қилиб бориш;

руҳан ва жисмонан тетик, иродасини чиниқтириб бориш, оғир дамларда сабр-бардошли бўлиш;

бошқаларни орқасидан эргаштира олиш, қатъиятлилик, бошлаган ишни охирига етказа олиш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олиш;

ўзининг ва ходимларининг саломатлиги учун қайғуриш, қўл остидагиларга ғамхўрлик қилиш ва уларни руҳлантира олиш, намунали иш олиб бораётганларни рағбатлантириш.

Бугунги кунда барча ташкилотларда **KPI** (key performance of indicators) **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари** тизими тажриба синов тариқасида жорий этилаётган бир пайтда, маҳаллий бошқарув соҳасида раҳбарларнинг нафақат малакасини оширишни, малака оширишдан кейинги кўникма ва тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, бошқарув билан боғлиқ компетентлигини кучайтириш механизмини такомиллаштиришни тақозо қилади.

**Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари.**

# Нурободда таълим сифати НЕГА ПАСТ?



## Мактаблар эътибордан четда қолгани учунми ёки педагогларнинг етишмаётганиданми?

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

- Ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчилар пенсия ёшига 2-3 йил қолгани сабабли ишлаяпти, - дейди мактаб директори Элбек Ҳамроев. – Бизда педагоглар етарли. Мактабимиз битирувчилари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи бўйича туманда юқори ўринларда туради. Бу йил мактабни 67 нафар ўқувчи битириб, улардан 12 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

Ушбу мактаб тумандаги намунали мактаблардан бири бўлишига қарамай, унда физика фани учун лаборатория хонаси йўқ. Кимё, биология фанлари учун лаборатория хонаси бор, аммо берилган кимёвий моддалар етарли эмас.

- 2008 йилдан буён лаборатория машғулотлари учун кимёвий моддалар берилмаётган эди, фақат ўтган йили берилди, - дейди биология фани ўқитувчиси Инобат Йўлдошева. – Бироқ лаборатория учун органик моддалар кам ажратилган.

Мактаб марказлашган иситиш тизимига уланган бўлиб, қишда синфхоналар яхши иситилади.

### МАКТАБГА ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН КИМЁВИЙ МОДДАЛАР БЕРИЛМАГАН

Қиличлар маҳалласида жойлашган 34-умумий ўрта таълим мактаби 280 ўринга мўлжалланган бўлса-да, 499 нафар ўқувчи ўқимоқда. Бу йил 28 нафар битирувчидан 8 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Мактабда атиги 11 та синфхона мавжуд бўлиб, ўқитувчилар хонаси, тўгарак хоналари, психолог хонаси йўқ. Лаборатория хоналари мавжуд эмас, фақат кимёвий моддалар сақлаш учун иккита кичик хона бўлиб, унда махсус приборлар, асбоб-ускуналар бор, холос.

- Бу йил лаборатория учун кимёвий моддалар берилмади, - дейди мактаб директори Нафиса Норбобоева. – Лаборатория хоналаримиз бўлмаса ҳам, оддий лаборатория ишларини партада бажарамиз.




Мактаб директори охирги марта мактабга лаборатория ишлари учун қачон кимёвий моддалар берилганини эслай олмади.

Бундан ташқари, информатика хонасидаги 15 та эски "Пентиум-1" русумли компьютердан 7 таси ишламайди. Ишлайдиганлари ҳам интернет тармоғига уланмаган.

Куз-қиш мавсуми учун мактабга 22 тонна кўмир берилган, мактаб маъмурияти яна 7 тонна кўмир сўраб мурожаат қилган.

### ТАШИБ КЕЛТИРИЛГАН СУВ БИР ОЙГА ЯҚИН ҲОВУЗДА САҚЛАНАДИ

Мусоқоқ қишлоғида жойлашган 33-умумий ўрта таълим мактаби 360 ўринли бўлиб, унда 399 нафар ўқувчи таълим оляпти. Бу йил 35 нафар битирувчидан атиги 2 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Ўтган йили бирорта ўқувчи олий таълим даргоҳига ўқишга киролмаган.



- Бизда мутахассис ўқитувчилар етишмайди, шунинг учун таълим сифати паст, - деди мактаб директори Зироат Садинова. – Масалан, ўтган йили она тили, математика ўқитувчилари етишмасди. Рус тили ўқитувчиси марказдан қатнайди, пенсияга чиққан бўлса-да, мутахассис йўқлиги учун яна мактабга қайтардик.

Мактабда физика, кимё, биология фанлари учун лаборатория хоналари мавжуд эмас. Мактаб атрофи ободонлаштирилмаган, очиқ спорт майдонининг тақирлигини кўриб, бу ерда болалар қандай тўп тепишини ўйлаб қолдик. Янаям ачинарлиси, мактабга бочкада сув ташилади. Мактаб ҳовлисида махсус ҳовуз бўлиб, келтирилган сув бир ойга яқин сақланади.

Мактабга 21 тонна кўмир берилган, мактаб маъмурияти томонидан яна 10 тонна кўмир сўралган.

### ЎҚУВЧИЛАР АЛИШЕР НАВОИЙ КИМЛИГИНИ БИЛМАЙДИ

Яна бир гап. 9-синф ўқувчиларидан Алишер Навоийнинг ғазалларидан ёд айтишни сўрадик. Афсуски, бирор ўқувчи ғазал айтиб беролмади. "Алишер Навоий ким бўлган?" деган саволимизга синф сардори "Шоҳ ва шоир бўлган" деб жавоб берди. "Алишер Навоий кўпроқ қайси тилда ижод қилган?" деган саволимизга "форс-тожик тилида ижод қилган" деган жавоб олдик.

Худди шундай ҳолат Ургут тумани мактабларида ҳам кузатилганди. Бир синф ўқувчидан бирортаси буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ғазалларини ёддан айтиб беролмаганди. Хўш, нега? Мактабларда навоийхонлик кечалари, мушоиралар ўтказилмайдими? Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилмайдими?

### 22 НАФАР ЎҚИТУВЧИДАН 12 НАФАРИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ...

Тошқудуқ қишлоғида жойлашган 32-умумий ўрта таълим мактаби икки бинодан иборат бўлиб, янги биноси 2016 йилда 160 ўринга мўлжаллаб қурилган. Аммо мактабда 300 нафар ўқувчи ўқийди. Шунинг учун эски бинодан ҳам фойдаланилар экан. Эски бино 1989 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Унинг ичидаги барча стол-стул, эшик-деразалар эскириб кетган. Бинонинг кириш йўлаги пол қилинмаган, цемент ётқизилган, холос.

Бу йил мактабни 27 нафар ўқувчи битирган бўлиб, улардан 1 нафари олий таълим даргоҳига ўқишга кирган.

- Мактабимизда кимё, физика, немис тили, рус тили ўқитувчиси йўқ, - дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Санжар Суюнов. – Бизда меҳнат қиладиган 22 нафар ўқитувчидан 12 нафари олий маълумотли бўлса, 10 нафари ўрта махсус маълумотга эга.

Туман марказидан 20 километр узоқликда жойлашган ушбу мактабда спорт зали, тўгарак хоналари йўқ. Лаборатория хонаси бор, аммо жиҳозлари берилмаган. Шунинг учун ундан кутубхона сифатида фойдаланиляпти. Ушбу мактабга ҳам сув ташиб келтирилади ва 20-30 кунгача ҳовузда сақланади.

Мактабга 10 тонна кўмир берилган, яна 10 тонна кўмир керак. Эътиборли жиҳати, мактабнинг эски биносига ўтган йили туман ҳокимлиги томонидан янги иситиш тизими қуриб берилган. Бино талабга жавоб бермаса-да, синфхоналар исийди.

* * *

Туман мактабларига 2020-2021 йил куз-қиш мавсуми учун 483 тонна кўмир, 494,9 тонна брикет олиш режалаштирилган. Туман халқ таълими бўлимининг маълумотига кўра, режадаги ёқилғи барча мактабларга тўлиқ тарқатилган. Бироқ биз бўлган мактабларда олинган кўмир қиш мавсумига етмаслигини ва қўшимча ёқилғи сўраб мурожаат этганликларини айтишди. Савол туғилади, мактабларга кўмир тарқатилмасдан олдин, қанча кўмирга эҳтиёжи борлиги ҳисобга олинмайдими? Аслида ёқилғи эҳтиёжидан келиб чиқиб, режа қилиниши керак эмасми? Шунингдек, берилган кўмирнинг сифати ёмон, тўғрироғи, тупроқ аралаштирилганлиги кўриниб турибди.



### СУВ УЧУН "ЗАВХОЗ" ПУЛ ТЎЛАЙДИМИ?

Эшитишимизча, мактабларга ташиб келтириладиган сув учун мактабнинг хўжалик ишлари мудири пул тўлар экан. Исми сир қолишини истаган "завхоз" бир бочка сув учун 40 минг сўм тўлашини ва у бир ойга етмаслигини айтди.

### КИМЁ, ИНФОРМАТИКА, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЕТИШМАЙДИ

Туманда 76 та мактаб бўлиб, энг олис мактаб туман марказидан 150 километр узоқликда жойлашган. Мактабларда 2498 нафар ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия беради. Уларнинг 1236 нафари олий маълумотли бўлса, 276 нафари тугалланмаган олий маълумотли ва 496 нафари ўрта махсус маълумотга эга педагоглардир.

- Бизда таълим сифатининг пастлигига сабаб мутахассислар етарли эмаслигида, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Латиф Элмуродов. – Масалан, мактабларимизда кимё, информатика, рус ва инглиз тили, мусиқа фанларидан 103 нафар ўқитувчи етишмайди.

Шунингдек, тумандаги 76 мактабдан атиги 12 таси оптик толали интернет тармоғига уланган.

### БАҲОНА ЭМАС, ИМКОН ТОПИШ КЕРАК

Ўрганишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, мактабларда бошқа ҳududдан қатнаб ишлашга шароит йўқ. Масалан, ўтган сафар Ургут тумани мактабларига Тойлоқ туманидан ўқитувчилар қатнаб ишлаши ҳақида ёзгандик. Нуробод туманида эса бошқа қишлоқдан қатнашга ҳам шароит йўқ. Туманда ички йўналишларда қатновчи уловлар жуда кам, борлари ҳам қиммат, оладиган маошга таксида қатнаб ишлаб бўлмайди. Айрим қишлоқлардан эрталаб туман марказига ёки Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларига қатновчи автобуслар қўйилган. Ушбу автобуслар куннинг иккинчи ярмида шаҳардан ёки марказдан қишлоққа қайтади, бироқ эрталаб марказдан қишлоққача автобуслар қатнамайди. Шунинг учун ҳам икки қишлоқ наридаги ўқитувчи ҳам қатнаб ишлай олмайди. Хўш, унда нима қилиш керак?

Бошқа ҳудуддан қатнашнинг имкони бўлмаса, айнан ўша маҳалла ёшларидан олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш чораларини кўриш керак. Бунинг учун ҳозир ОТМда мақсадли қабул жорий этилган. Бу имкониятдан фойдаланиш, ўқувчиларни касбга қизиқтириш лозим. Нима бўлганда ҳам халқ таълими тизими раҳбарлари муаммонинг ечимига баҳона эмас, имкон топиши керак.

Яна бир гап. Туман марказидаги мактаб ўқитувчиларига 75 фоиз устама тўланар экан. Ваҳоланки, уран қазиб олинадиган бошқа ҳудудлардаги мактаб ўқитувчилари бундай имтиёздан маҳрум эмиш. Айрим мактаб ўқитувчилари мана шу муаммога ҳам ечим топилмаётганидан арз қилди.

Шунингдек, мактабларнинг атрофи ободонлаштирилмаган, гуллар, дарахтлар экилмаган. Фақат туман марказидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ҳовлиси кўкаламзорлаштирилган. 32-, 33-мактабларнинг атрофи тақир ердан иборат, номига икки-учта дарахт экилган. Бунинг сабаби сув йўқлигидан бўлса, нега ҳовлида номига экилган дарахтлар кўкариб турибди? Бизга сув эмас, ҳафсала йўқдек туюлди.

Тумандаги катта-катта майдонларнинг бўш ётиши, йўл четида бирор дўкон, дорихона, қишлоқ врачлик пункти каби аҳолига хизмат қиладиган шохобчаларнинг йўқлиги маҳаллий аҳолининг қийин шароитда кун кечиришини билдириб турибди. Жойларда лоақал қишлоқ номлари ёзиб қўйилмаган.

Чорвачиликка ихтисослашган туманда аҳоли чорвачилик ортидан зўр даромад қилганида, аҳвол бундай ачинарли бўлмасди. Шароитдан келиб чиққан ҳолда туманда ёшларни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатадиган бизнес мактаблар, лалми ерлардан унумли фойда олишни ўргатадиган аграр соҳага оид ўқув даргоҳлари очилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото),**
**"Зарафшон" мухбирлари.**

Иштихоннинг бир нечта маҳалласи азалдан сузмадан қурут тайёрлаб, бозорга чиқаради. Аҳоли орасида бу ишнинг ҳадисини олганлар анчагина. Кўпчилиги шу орқали рўзғорини тебратса-да, аммо бу ишни кенгайтириб, тадбиркорлик иши очиш хаёлига келмади.

# “Иштихонда тайёрланган” белгиси остида



Қирқйигит маҳалласида яшовчи Маҳбуба Исломова ҳам узоқ йиллар чорвачилик билан шуғулланди, қишлоқдошлари сингари қурут тайёрлаб, бозорга чиқарди. Кейинроқ фарзандлари билан кенгашиб, корхона очиш режасини тузди. Аввалига туман, кейин вилоят дўконларида Иштихон туманида тайёрланиб, қадоқланган қурутлар пайдо бўла бошлади. Айни кунларда корхона маҳсулоти тарқалиш географияси кенгаймоқда.

– Асосан маҳаллий аҳоли ва қўшни Жиззах вилояти аҳолисидан сузма сотиб олиб, қурут тайёрлаш билан шуғулланамиз, – дейди «Нодирхон Агро Продукт» корпорацияси раҳбари Нодирхон Исломов. - 2012 йилда ташкил қилинган корхонада ҳозирда 34 нафар маҳалладошимиз меҳнат қилади, яна 16 та оила билан бирга ишлаймиз. Тайёр маҳсулотларимиз республика бўйлаб ва Қозоғистон, Қирғизистонга тарқатилади. Афғонистондан ҳам буюртма олдик. Корхонада кунгабоқарни тозалаб қадоқлашни ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Шу мақсадда зарур ускуналарни хорижга буюртма қилдик.

**Илҳомжон БОБОЕВ.**

# Ҳавога отилган ўқ

Эсимда. 1968 йилда мактабни тугатиб, отамнинг маслаҳати билан қўшнимиз Тўра бобога ёрдамчи чўпон бўлиб ўтдим. Синфдошим Отабой ҳам шу отарда ишлаётган экан, жуда хурсанд бўлдим. Ўша йили қиш жуда қаттиқ келди. Тинимсиз қор ёғди.

- Қишни қор, отарни яйлов безайди,
- деди тажрибали чўпон Маҳмараим ака.
– Мана, ғамлаб қўйган ғарам-ғарам озуқамиз бор. Чорва тўқ – кўнгил тўқ. Мамай бахшига хабар жўнатганмиз. У моҳир овчи. Отарни бўрилар ҳужумидан сақлашга ёрдамлашади, достонлардан термалар айтиб беради, зерикмайсизлар. Ишимиз оғир, лекин нолимаймиз. Отабой иккимиз қўтонга катта қопда ғарамдан хашак-сомон ташиймиз. Эртадан кечгача иш қизийди.

Эртаси куни Мамай бахши қўлида дўмбира, елкасида қўшотар милтиғи билан келиб қолди. Кундузи бўш пайтларимизда достонлардан айтиб берар, овчилик фаолиятидан қизиқарли воқеаларни сўзлаб гурунгни қизитарди. Тунда ўзи хашак ғарамидан ўйиб ясаган «ини»га кириб олиб, тонггача бўриларни пойларди.

Бир куни биз ғарамдаги емишни қоплашга киришдик. Шу пайт Мамай овчининг ғарамдаги «ини»да қолган қўшотар милтиғига кўзим тушди. Қўлимга олиб Отабой дўстимга ўқталиб, «қўлингни кўтар» деб ҳазиллашдим. Отабойнинг ранги оқариб кетди. Момомнинг «Милтиқ билан ҳазиллашиб бўлмайди, деворда осиғлиқ ўқланмаган милтиқ ҳам бир йилда бир марта отилади» деган гапи қулоғим остида эшитилди. Бироқ кеч бўлганди, беихтиёр тепкини босдим, гумбирлаган овоз чиқиб ўқ ҳавога учди. Момомнинг руҳи мени фалокатдан асраб қолганди. «Хайрият» дея югуриб бориб омон қолган Отабой дўстимни қучдим. «Худо бир асради» деб кўзимдан ёш оқарди.

**Солижон ХУДОЁРОВ.**

## БУ – ФАКТ!

**Вилоятдаги молия органлари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 21 989 та ҳолатда 21,1 миллиард сўм қўшимча даромад манбалари аниқланиб, ҳудудий давлат солиқ инспекцияларига киритилди. Натижада, 9 ойда бюджетга 13,7 миллиард сўм ундирилди.**

# Ногиронлиги бўлган фуқароларга автотранспортни

## мажбурий суғурта қилишда имтиёз бор

?

*- Иккинчи гуруҳ ногиронман. Менга автотранспорт воситасини мажбурий суғурта қилишда имтиёз борми?*

**Парда ОЧИЛОВ,**
**Пахтачи тумани.**

- 2019 йил 2 июнда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилган. Унга кўра, транспорт воситасининг мажбурий суғуртаси бирдек 40 минг сўм ва 40 миллион сўм жавобгарлик белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ногиронларга белгиланган сумманинг 50 фоизи миқдорида суғурта компанияси томонидан сийлов тақдим этилади. Қолган 50 фоиз сумма тўловларни кафолатлаш жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади. Бу имтиёз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорида ҳам белгиланган.

**Саволга «Ўзагросуғурта» компанияси вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари Ғолибжон ЙЎЛДОШЕВ жавоб берди.**

# Қушлар қиронга учрамоқда

*Табиат жумбоқлари*

Олимлар башорат қилганидек, йўқолиб бораётган ҳашаротлар кетидан улар билан озиқланадиган қушлар оммавий қирилишни бошлади.

Ҳозирда бу қайғули ҳодиса АҚШнинг жануби-ғарбида кузатилмоқда, деб хабар беради «Мир новостей» (2020 й. 38-сон) ҳафтаномаси. У ерда айрим ҳисоб-китобларга кўра, минглаб эмас, балки миллионлаб қушлар ҳалок бўляпти. Уларда ҳар куни учиш учун мажол ҳам қолмаяпти, дейди орнитологлар. АҚШда рўй берган фожиа нафақат ушбу мамлакат, балки бутун дунё қушлар олами учун ташвишли ҳодисадир.

Қушлар Нью-Мексика, Колорадо, Техас, Аризона, Небраска штатларида самодан қулаб тушмоқда. Нью-Мексика университетидан биология профессори Марта Десе Монд ҳалок бўлаётган қушлар танаси ва қанотларида парвоз учун зарур ёғ заҳираси деярли қолмаганини таъкидлайди. Улар қуруқ суяк ва қанот патидангина иборат. Доманд уйи ёнида ўнлаб ана шундай ўлик



қушларни йиғиб олган. Улар Аляска ва Канададан Американинг жануби-ғарби орқали учиб келишда ҳолдан тойиб ҳалок бўлган. Парвоз давомида улар қўниб озиқланиб олиши учун ҳеч вақо тополмаган.

1970 йилдан буён АҚШ ва Канада уч миллиард қушни йўқотди. Уларнинг сони камайиб боришига зараркунанда ҳашаротларга қарши қўлланилган заҳарли кимёвий дорилар ҳам сабаб бўлмоқда. Дори сепилаётган майдонларда турли ҳашаротлар-қўнғизлар, қурт-қумурсқалар, чивинлар бошқа майда жонзотлар тамоман йўқолиб бормоқда. АҚШда қушлар нобуд бўлиши август ойида ҳали ёнғинлар учун қулай об-ҳаво бошланмасдан олдин кузатилганди. Олимлар ерга қўнган қушларда ғалати феъл-атворни кузатишди. Заҳарланиш оқибатида улар одамлардан қўрқмай қўйишади ва ўлик ҳолатига тушади. Мутахассисларнинг фермерларни зараркунанда ҳашаротларга қарши қушлар ва ҳайвонлар, ҳатто одамлар учун безарар кимёвий дорилар ва биологик воситалардан фойдаланишга чақириқлари ҳозирча жавобсиз қолмоқда.

**Тайёрловчи**
**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

**REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Тойлоқ туманидаги «TANAIS-DRN» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 204797384) «FILLER STAR» оилавий корхонасига (СТИР: 303740153) қўшилмоқда. «FILLER STAR» оилавий корхонаси «TANAIS-DRN» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тойлоқ тумани Чароғбон маҳалласи Мастура Азимова кўчаси, 22-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 5 июлда 1031954 реестр рақами билан рўйхатга олинган Бутаев Мирзомаксуд Мирзоанварович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Бутаев М.М. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 6 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кафтархона маҳалласи.**

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 489857022.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Курбонов Толибга (2006 йил 6 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Умаров Абдукахор Ахатовичга (2020 йил 19 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Поляева Олга Дмитриевнага (2020 йил 4 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Рахимов Мирзашароф Салиевичга (2017 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Рузибаева Сабоат Зиядуллаевнага (2020 йил 12 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Холиков Тиллога (2015 йил 30 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Исраилов Мардонкулга (2020 йил 16 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд 2-сон тиббиёт билим юртидан 1995 йилда Хайдарова Хайринисо Умаровна номига берилган рўйхат рақами 27134, № 100808 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги “TOPOGEOPROEKT” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306930319) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Жўраева Мамлакат Абдуалим қизи номига берилган UM № 0502475 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 21-ўрта мактабдан 1999 йилда Бакаева Зайнура Илхомовна номига берилган O‘R-Z № 158956 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2010 йилда Файзиев Тоҳир Аҳатович номига берилган рўйхат рақами 1611, B № 490325 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 1994 йилда Садиева Заррина Арслоновна номига берилган рўйхат рақами 2855, № 058008 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**УЙ СОТИЛАДИ**

Умумий фойдаланиш майдони 53,94 кв.м., барча қулайликларга эга (евроремонт қилинган, табиий газ ва электр энергияси доимий) 2 хонали уй сотилади.

**Мўлжал: “Самарқанд автомобиль заводи” атрофида.**
**Телефонлар: 97-895-44-16, 99-570-44-16.**

## Абдусодиқ МУРТАЗОЕВ



Вилоят матбуоти ривожи, равнақи учун ўз фикри, таклифларини бераётган, бой тажрибаси билан ёш мухбирларга қимматли маслаҳатларини аямай келаётган фахрий журналист Абдусодиқ Муртазоев 81 ёшида вафот этди.

А.Муртазоев 1939 йилда Ургут тумани Теракли қишлоғида таваллуд топди.

Ўрта мактабда ўқигач, аввал Тожикистон Республикаси Панжакент туманидаги педагогика билим юртида, сўнг Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Қатор йиллар Каттақўрғон туманидаги мактабларда, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқитувчилик қилди.

Абдусодиқ аканинг матбуот билан боғлиқ фаолияти 1964 йилдан бошланди. Дастлаб Каттақўрғон туманининг “Зарафшон” (ҳозирги “Каттақўрғон ҳақиқати”) газетасида мухбир бўлди. Кейин “Ёш ленинчи”, “Ишонч” газеталарида ишлади. 1974 йилдан эса вилоят “Зарафшон” газетасида мухбир, бўлим мудири вазифаларида самарали фаолият юритди. Бу пайтда кўплаб ёш мухбирларга устозлик қилди.

А.Муртазоевнинг кейинги фаолияти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотида кечди. Бу ерда маслаҳатчи, йўриқчи, маданият бўлими мудири бўлиб ишлади.

Тажрибали қаламкаш Содиқ Софдил тахаллуси билан баракали ижод қилди. Шоирнинг “Бахт”, “Ишқ хосияти”, “Мен кўрган дунё” шеърий китоблари чоп этилди.

Матбуот фахрийси, ўз касбига содиқ, камтарин инсон Абдусодиқ Муртазоевнинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

**«ЗАРАФШОН» ВА «САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК» ГАЗЕТАЛАРИ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ ЖАМОАСИ.**

## Муҳаммадамин ХУРРАМОВ



Бешафқат ўлим матонатли инсон, ҳаёт йўли ҳар бир ватанпарвар учун ибрат бўлишга арзигулик ички ишлар идораси ходими Муҳаммадамин Хуррамовни орамиздан олиб кетди.

М.Хуррамов 1962 йилда Самарқанд шаҳрининг Дониёрбек маҳалласида таваллуд топди.

Мактабни аъло баҳоларга тугаллаб, ҳарбий хизматни ўтади. Шундан сўнг Ички ишлар вазирлиги олий мактабида ва Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси ўқув марказида таҳсил олди. Илк меҳнат фаолиятини 1988 йилда вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси шахсга қаратилган жиноятларни очиш бўйича бўлим тезкор вакили сифатида бошлади. Кейинчалик бошқарманинг қатор масъулиятли вазифаларида фаолият юритди. Бу пайтда ўзига топширилган барча вазифаларни ўз вақтида ва аъло даражада адо этди.

1997 йилдан бошлаб М.Хуррамов ўз касбига содиқлиги, фидойилиги, вазиятни тўғри баҳолай билгани боис турли масъулиятли лавозимларга тайинланди. Жумладан, Тойлоқ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари - қидирув милиция хизмати бошлиғи, Тойлоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоятдаги 84-жазони ижро этиш колонияси бошлиғи вазифаларида ишлади. 2014 йилда нафақага чиқди.

М.Хуррамов қаерда ишламасин ўша жойда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун зиммасига юклатилган вазифани масъулият билан бажарди, ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари ва хизмат қилган ҳудудлар аҳолисига кўмаклашди.

Матонатли инсон, содиқ дўст, истеъфодаги полковник Муҳаммадамин Хуррамовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

**БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.**

Самарқанд давлат университети тарих факультети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси Суннатилло Муҳиддиновга отаси

**Иноятилло МУҲИДДИНОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейи жамоаси лицей директори Зафар Қўзиевга акаси

**Собир ҚЎЗИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тарих қатидаги ҳақиқат:

# БУХОРО АМИРЛИГИ ҚАНДАЙ ТУГАТИЛГАН ЭДИ?

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСРнинг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг 1920 йил 10 сентябрдаги қарори билан РСФСР ҳукумати ва РКП(б) Марказий Комитетининг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги вакили этиб Туркистон комиссияси раисининг ўринбосари В.Куйбишев тайинланди. В.Куйбишев янги ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаевга ишонч ёрлиғини топширди, унда "РСФСРнинг асосий талаби Бухоро давлати мустақиллигини ҳурмат қилиш, барча рус фуқаролари ва ташкилотларини ҳамда Бухоро мустақиллигини ҳурмат қилишга ундашдан иборат" эканлиги таъкидланган эди. Амалда эса В.Куйбишев Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган барча ислоҳотларга очиқдан-очиқ аралашиб, совет андазасини ўрнатишга ҳаракат қилди.

**“Амирлик пойтахти босиб олингандан кейин сентябрь ойи бошларида Бухорода ҳокимият Муваққат Бутунбухоро инқилобий қўмитаси ихтиёрига ўтди. У дарҳол Туркистон комиссияси раҳбарлигида илгаридан тайёрлаб қўйилган манифестни эълон қилди. Унда Бухоро давлати "Мустақил Бухоро Совет Республикаси" деб кўрсатилган эди. Шунингдек, манифестда яна амирликдаги мавжуд ерлар давлат ерларига айлантирилиши, солиқларнинг тартибга солиниши, ерлар эса ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилиб, улар меҳнат қуроллари билан таъминланиши, суд ишларини тартибга солиш, таълим тизимини янгилаш, ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ёзилганди. 1920 йил 11 сентябрда инқилобчи "Ёш бухороликлар" партияси тарқатилиб, унинг кўпчилик аъзоси Бухоро Коммунистик партияси таркибига кирди.”**



1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу янги давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналаридан мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултойда давлат ҳокимиятининг олий органи – Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси узил-кесил тасдиқланди.

Бухоро амирлиги даврида мамлакат 32 та (баъзи манбаларда 27 та) вилоят (улар бекликлар ҳам дейилган)дан иборат бўлган, бу вилоятлар амлокларга бўлиниб идора қилинган. Мамлакат пойтахти – Бухоро шаҳри атрофидаги ҳудуд 9 та туманга ажратилиб, бу туманлар ва Бухоро шаҳрини амир номидан қушбеги (Бош вазир) бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш фуқароларга яхшироқ хизмат кўрсатиш манфаатини ҳам, бошқаришнинг қулай бўлиши манфаатларини ҳам унчалик қондирмас эди. Шу сабабли 1920 йил кузида зудлик билан БХСРда дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоклар ва қишлоқларга ажратилди. Бухоро Республикасининг пойтахти – Бухоро шаҳри муҳим сиёсий-маъмурий марказга айланиб, бу ерда республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг иқтисодий ва маданий ривожланишини бошқарувчи барча ташкилотлар тўпланди.

1920 йил октябрда Тошкентда РСФСР билан БХСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим тузилди. 1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР билан БХСР ўртасида иттифоқ шартномаси имзоланди. Бироқ бу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Хусусан, иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари (қизил армия) туришини "қонуний" асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига совет Россиясининг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

**“Хоразм воҳасида бўлгани сингари Бухоро ҳудудида ҳам қизил аскарларнинг босқинчилиги ва Бухоро халқининг турмуш тарзига ёт бўлган большевистик усулдаги инқилобий ўзгаришларнинг зўрлик билан жорий этилиши аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Бу ҳолат Бухоро жамиятини таназзулга олиб келди, мамлакатни уруш оловига ташлади, иқтисодиётга ва халқнинг турмуш даражасига ҳалокатли таъсир кўрсатди.”**

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутади. Шарқдаги дастлабки халқ республикалари бўлган бу давлатлар қисқа муддат ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўрта асрларга хос монархия тузуми ва қолоқликдан, якка шахснинг ҳукмронлиги устувор бўлган истибдоддан, диний мутаассиблик ва жаҳолатдан демократик ўзгаришлар томон катта қадамлар ташланди. Тараққийпарварлар ва зиёлилар (асосан "Ёш бухороликлар" ва "Ёш хиваликлар")дан ташкил топган Бухоро ва Хоразм ҳукуматлари мамлакатда демократик ислоҳотларни қарор топтиришда жуда қийин шароит ва вазиятларда иш олиб боришларига қарамасдан, ўз фаолияти давомида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйиса-да, шунингдек, доимий равишда большевикларнинг зуғуми ва Марказнинг тазйиқи остида сиёсат юритишга мажбур бўлган бўлса ҳам ўз тарихий вазифасини уддалай олди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг демократик ислоҳотлар томон босиб ўтган йўли ўша давр учун ҳам, бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам машаққатли ва улуғ йўл бўлди. Бухоро ва Хоразм Республикалари атиги 4-5 йил ичида дунёвий ислоҳотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана бошлади. Афсуски, бу жараёнлар мустабид совет режими томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига барҳам берилди. Бухоро ва Хоразм Республикаларининг тугатилиши билан камида уч минг беш юз йиллик тарихга эга ўзбек халқининг миллий давлатчилик ҳалқаси деярли узиб ташланган эди.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).*

# Ўзбек тилини ўқитишда сифат ва самарадорликка эришиш –

## бугуннинг талаби

Ўзбек тилида таълим берувчи мактаблар ўқувчиларининг она тилини ўзлаштириш, унинг имло ва талаффуз меъёрларига амал қилиш кўникмасини шакллантиришда бир талай қийинчиликлар юзага келаётган бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар дуч келаётган қийинчиликлар, фанга оид компетенцияларни шакллантиришдаги муаммоларнинг кўп бўлиши табиий ҳол.




Таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларининг ўзбек тили имло саводхонлиги давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермайди. Аксарият ўқувчилар лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувини кирилл алифбоси билан чалкаштириб юборади. Бундай талабга жавоб бериш учун эса, бизнингча, ўқувчиларга ўзбек тилида кичик ҳажмдаги қизиқарли бадиий асарларни кўп ўқишларига қизиқиш уйғотиш керак. Лотин ёзувига асосланган китобларни кўп ўқиш асносида ўқувчилар хотира кучи билан сўзларнинг ёзилишини осон эслаб қолади ва ўз лингвистик компетентлигини ошириб боради.

Ўқувчилар нутқида ҳам ўзбек тилида гапириш жараёнида жиддий нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Бунда кўпроқ эшитув орқали, яъни турли аудио қурилмалардан унумли фойдаланиш ижобий самара беради. Тўғри, ўзбек тили дарслари учун махсус дастурлар, слайдлар ёки аудиожиҳозлар тайёрланиши ва етказиб берилишини талаб даражасида деб бўлмайди. Аммо она тили мутахассислари фойдаланиб келаётган турли аудио ва видео қўлланмаларда, радио, телевидение ёзувларидан, оддийгина қўшиқ ёки шеърларнинг овозли шаклларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Ўзбек тили таълими жараёнида яна бир муаммо малакали кадрлар масаласидир. Бугун таълим бошқа тилда олиб борилаётган мактабларнинг ўзбек тили фани ўқитувчилари бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек тилини, ҳам бошқа тил грамматикасини чуқур билишлари шарт. Шундагина қиёсий лингвистика талаблари асосида болаларга тилларни таққослаб ўқитиш яхши самара беради. Аммо ўтказилаётган мониторинг ва аттестация натижалари соҳа мутахассисларининг ҳали ўз устида жиддий ишлашлари зарурлигини кўрсатмоқда.

**Шаҳноза ТОҒАЕВА,**
**Самарқанд шаҳар**
**34-умумий ўрта таълим**
**мактаби ўқитувчиси.**

# Қадрият бу ўзликдир

Қадриятлар фақат ўтмиш даврлар учун муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, ҳозирги кун ва келажакдаги тараққиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган, моддий ва маънавий, диний, ахлоқий, эстетик, фалсафий ва бошқа бойликлар мажмуидир.

Қадрият ўз-ўзидан вужудга келмайди, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун маълум ижтимоий-иқтисодий, маънавий шарт-шароит бўлиши зарур. Тарихий тараққиёт жараёнида даврлар ўтиши, шароит ва имкониятлар ўзгариб туриши ҳам қадриятларнинг мазмунида, уларга муносабатда ўз аксини топган.

Қадриятлар ижтимоий, маънавий ҳодиса бўлса ҳам уларнинг аҳамияти ва моҳияти кишиларнинг уларга муносабати асосида белгиланади. Муайян қадриятларга амал қилиш, уларни баҳолашга шахсий, миллий, умуминсоний манфаатлар ҳам бевосита таъсир этади.

Моҳияти жиҳатидан моддий ва маънавий қадриятлар мавжуд.

Моддий қадриятлар инсонга яшаш ва фаолият кўрсатиш имконини яратса, маънавий-эстетик қадриятлар одамларга ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб, жамият қонун-қоидаларидан ижодий фойдаланиш, ўзларининг кундалик хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий-ахлоқий мезонлар талабига мос тарзда амалга ошириш имконини беради.

Маънавий-эстетик қадриятлар қачонки кишиларнинг онги ва маънавий оламининг бир қисмига айлангандагина намоён бўлади, авлоддан авлодга ўтади.

**Дилшод ОМОНОВ,**
**Самарқанд давлат**
**университети тасвирий**
**санъат кафедраси**
**мудири.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**11 ноябрь**

**Қутбиддин МУҲИДДИНОВ** – (1906-1983). Ургут туманида туғилган. Шарқшунос, тилшунос олим. Филология фанлари номзоди.

**12 ноябрь**

**Энмарк САЛИҲОВ** – 1934 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор.

**15 ноябрь**

**Насиба АБДУЛЛАЕВА** – 1961 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

**16 ноябрь**

**Ҳасан НОРМУРОДОВ** – 1939 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

# БЕШ МИНГ иштирокчи қадам юрди

Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар шаҳарчасида ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар иштирокида "Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам!" шиори остида оммавий юриш ўтказилди.




Унда иштирок этганлар "Нурафшон" маданият саройи олдидан шаҳарча кўчалари бўйлаб ҳаракатланди, бадантарбия машқларини бажарди.

- Пиёда юриш саломатлик учун жуда фойдали, шунинг учун фарзандларим, набираларим билан ҳар куни камида уч минг қадам юрамиз, - дейди меҳнат фахрийси Мизроб Ҳайдаров. - Эрталабки бадантарбия машқларидан сўнг нонушта қилиб, ишга, ўқишга отланамиз. Машқлар кун бўйи тетик бўлишимизга хизмат қилади.

**Ҳ.ФАЗЛИДДИНОВ.**

# "Баркамол авлод"нинг баркамол авлодлари

Самарқанд шаҳар "Баркамол авлод" болалар мактабида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни санъат, спорт, ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида "Очиқ эшиклар" куни ўтказилди.



- Мактабимизда еттита йўналишда 34 та тўгарак фаолият юритади, - дейди муассаса раҳбари Наргиза Қобилова. – Яқинда янги олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов ҳамда хорижий тиллар тўгараклари очилди. Шунингдек, шаҳримиздаги мактаб интернатлари, меҳрибонлик уйлари ҳамда мактабимиздан узоқроқ жойлашган таълим муассасаларида ҳам тармоқ тўгараклари ташкил қилганмиз.

Тадбирда Самарқанд шаҳридаги 80 та мактабдан уч мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди ва ўзлари қизиққан тўгаракларга аъзо бўлди.

**Муниса ШАМСИЕВА.**

Zarafshon

САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: *халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги*

**Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ**

*Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 694 нусхада чоп этилди. Буюртма 673*

***Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.***



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

**ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.**
**БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.**
**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

**Навбатчи муҳаррир:** **Ғ.ҲАСАНОВ.**
**Навбатчи:** **Ё.МАРҚАЕВ.**
**Саҳифаловчи:** **Б.АБДУЛЛАЕВ.**

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X

9 772010 667009